

Мени ажаблантирган улуғ саҳоба



13:00 / 22.11.2021 2517

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг ушбу гапларидан доим ажабланаман:

«Мен ёлғончи-хиёнаткор эмасман. Ёлғончи хиёнаткорлар мени алдай олишмайди».

Саййидимиз Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг шахсиятлари мени доимо ҳайратлантиради.

У зот розияллоху анху қаттиққўллик лозим бўлган ўринда қаттиққўл эдилар. Ҳаттоки инсонлар «бу инсон ҳеч юшамаса керак», деб ўйлашар эди.

Юмшоқлик тақозо қилинадиган ўринда шунчалик юмшоқ бўлар эдиларки, ҳатто кишилар «бу инсон қаттиққўл эмас», деб ўйлашар эди.

Умар розияллоху анху ишларнинг тафсилотигача эътиборли эдилар. Кишилар «бу инсоннинг назаридан ҳеч нарса четда қолмайди», деб ўйлашар эди.

Ўртадаги муҳаббатни сақлаш учун баъзи нарсаларда ўзларини билмасликка солсалар кишилар «бу киши эшитмайди ҳам, кўрмайди ҳам»,

дейишар эди.

Ҳамма нарсани ўз жойига қўйиш ҳикмат ҳисобланади. Бу доҳийликдир. Керак ўрнида эҳтиёткорлик, керак ўрнида шафқат, керак жойида қаттиққўллик...

Бу нарсалардан бирини бошқасининг ўрнида қўймоқ ҳалокат ва зулмдир.

Хуллас, тутган ўрнинг тақозосига кўра бўлмоғинг, ақлни ўз ўрнига қўймоғинг, қалбни ўз ўрнига қўймоғинг, қамчини ўз ўрнига қўймоғинг ҳикматдир.

Ҳеч қачон «ҳа»нинг ўрнига «йўқ» ва аксинча «йўқ»нинг ўрнига ҳам «ҳа» демагин. Нуқтанинг ўрнига вергул қўйма!

Агар эшикни сал очиб қўйиш ҳикмат бўлса, уни охиригача ёпма. Содда эмас, пишиқ бўлгин. Эҳтиёткор кишилар эҳтиромга сазовордирлар. Соддаларни эзиб ташлашади.

Ман қилишга қодир бўлатуриб сахий бўлгин. Инсонлар кўп ўринларда бировдан фойдаланишга уста бўлишади.

Мана шуларнинг бари ҳикмат дейилади дўстим! Агар сенга ҳикмат берилган бўлса кўп яхшиликлар берилибди!

Саломлар бўлсин қалбингга!!!

Абдулқодир Полвонов тайёрлади